

**САКРАЛ ЛАНДШАФТЛАРНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ –  
МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ.**

**Холиков Р.Й**

*Фаргона давлат университети  
География кафедраси профессори*

**Аннотация:** Мақолада сакралландшафт түшүнчеси, сакрал ландшафттарни тадқиқ этишининг илмий-методологик асослари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** сакрал худудлар, сакрал ландшафтлар, этнослар, сакрал объектлар, диний туризм, зиёрат туризими.

**НАУЧНО-МЕТОДИЧЕКИЕ ОСНОВЫ ИСЕЛЕДОВАНИЯ САКРАЛЕНЫХ  
ЛАНДШАФТОВ .**

**Аннотация:** В данной статье кратко анализированы понятие сакрального ландшафта, научно-методические основы их исследований.

**Ключевые слова:** сакральные пространства, сакральные ландшафты, этносы, сакральные объекты, религиозный туризм, туризм поломничества.

Сакрал ландшафтларни муҳим жиҳайларидан бири табиий-тарихий генетик хусусиятларига кўра келиб чиқиши, шаклланиши, ривожланишининг маконий хусусиятларга эга эканлигидир. Сакрал худудларнинг муҳим функцияси маънавий эҳтиёжларга хизмат қилишдир. Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда уларнинг худудий жойланиши, келиб чиқиши, функциялари муҳим аҳамиятга эгадир.

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда сакрал худудларни маданий ландшафтларнинг бир қисми сифатида, муайян функцияларни бажарувчи объект сифатида қараш катта аҳамият касб этади. Дунё миқёсида сакрал ландшафт түшүнчеси мукаммал ишланган илмий категория сифатида [Tuan, 1975; Tuan, 1976; Carlson, 1982] эътироф этилади.

В.Л.Кагинский [2001] түшүнчесига кўра этник урф –одатлар ва маданиятига кўга худудларни семантик ва симболик(рамзий) ўзлаштириш сакрал ландшафтларни ўзига хос хусусиятларини кўрсатиб беради.

М.В.Рагулина [2007-2013] сакрал ландшафтларни маданий ландшафтларни бир қисми сифатида тадқиқ этишда унинг ўзаро боғлиқ бўлган маънавий, образли, рамзий ва маконий семантик жиҳатларини асосий жиҳатлар деб қарайди. Сакрал худудлардаги сакрал объектларни ўзига хос функцияларини ва улар негизида шаклланган этномаданий урф – одатлар ва маданиятларни ўрганиш, сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда муҳим босқич ҳисобланади.

В.К.Воловикнинг эътироф этишига кўра сакрал ландшафтлар худудида сакрал ва профан маконлар мавжуд. Унинг фикрига кўра этномаданий ландшафтларни шаклланишида этносларнинг фаолияти бирламчи манба бўлиб хизмат қиласди. [2013,с.4]

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда худудий генетик белгиларига кўра табақалаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Б.Ц.Гомбоев [2006] сакрал худудларни типологик табақалаштиришда: этник, табиий географик (тоғ, дашт, сув манбалари ва бошқалар), мавсумий белгиларини ҳисобга олиш зарурлигини кўрсатиб беради.

М.Е.Кулешова [кулешова, 2002] сакрал ландшафтларни йирик ижтимоий маданий хосила сифатида кишиларнинг бирмунча катта гурухлари яшайдиган макон, ҳаёт муҳити деб тушунтиради. Сакрал ландшафтлар табиий – тарихий ва маданий худудларни ўзаро боғлиқлиги таъсири ва алоқалари доирасида шаклланади.

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишнинг методологик асосларини яратишида А.Н.Окладникова, Н.Н.Когмар, В.В. Попова, Т.И.Божук, С.Павлов, П.В.Шуканов, К.Мезенцев, Ю.Когатько, Л.Ключко, Л.В.Атаман, М.Ю.Аксанова ва бошқаларнинг тадқиқотлари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Л.В.Амананнинг [2015] фикрига кўра сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда К.Мезенцев, Ю.Когатько, Л.Ключко, Т.Божуклар томонидан ишлаб чиқарилган методлар катта аҳамиятга эгадир. Улар томонидан ишлаб чиқилган назарий, баҳолаш, аналитик ва конструктив услублар кенг қўлланилади. Л.Ключко Сакрал ландшафтлардан диний фаолиятларни ўрганишда 6 та босқични ажратади: тадқиқотни режалаштириш, аниқ маълумотларни тўплаш, бирламчи қайта ишлаш, натижаларни аналитик синтетик таҳлил қилиш, башоратлаш ва тегишли тавсияларни бериш.

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда 3 та муҳим функционал, тарихий – генетик, худудий йўналишлар мавжуд. Функционал йўналиш сакрал объектларнинг фаолияти, бажарадиган функцияларини тадқиқ этишига асосланган. Сакрал объектлар кишиларнинг руҳий, маънавий, диний эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиласди. Аксарият холларда сакрал объектлар кишиларни барча эҳтиёжларига хизмат қилиши мумкин. Бундай сакрал объектлар диний зиёратгоҳлар, муқаддас қадамжолардан иборат бўлади.

Сакрал ландшафтларни ўрганишда кўпинчп локал объектлар сифатида ғорлар, қоя тошлар, булоқлар, якка дараҳт ёки дараҳтзорлар, дарёлар табиий манбалар ҳисобланади. Улар маъмурий район, вилоят ёки алоҳида локал худудларда жойлашган бўлиб, баъзан сакрал тизимларни ташкил этиб бажарадиган функциялари комплекс характерга эга бўлади. Масалан, Фарфона тумани маркази Водил шаҳарчасида Хожи Аҳмад Валий мозори ва уни яқинидаги минг йилликлар билан ёши тенглаштирилган улкан чинор ҳам улкан зиёрат ҳам рекреация функциясини бажаради. Зиёратгоҳнинг мавжудлиги учун улкан чинор ҳам сакрал объект сифатида хизмат қиласди.

Тадқиқотлар шуни күрсатады, сакрал объектларни бундай ёнма - ён жойланиши табиий ва тарихий маданий, диний сакрал объектларни бир бирига яқынлиги зиёрат туризимида ва рекреацияда мақсадлы фойдаланиш имкониятини орттиради.

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда этимологик метод ҳам мұхим ақамиятга эга. Бу методнинг асосида сакрал объектларнинг номи, унинг мазмуні, келиб чиқишини ўрганиш ётади. Сакрал объектларнинг номлари буюк шаҳарлар, азизлар, авлиёлар, шайхлар номлари билан ёки табиий-тарихий манбалар билан боғлик бўлиши мумкин. Масалан, Оқ тепа, Оқ мозор, Етти булоқ, Хизр мозор, Сатқак ота, Ёрдон ота каби зиёратгоҳлар этимологияси уларнинг сакраллашуvida мұхим ақамиятга эга бўлган.

К Мезенцев ва Ю.Кочатьковлар[2009] томонидан сакрал объектларни мажмуали ўрганишда тадқиқотларнинг 4та мұхим босқичлари ажратилади;

- Назарий (тадқиқот концепциясини шакллантириш) ;
- Баҳолаш( диний вазият таҳлили, сакрал худудларни ҳосил бўлишига таъсир этувчи омилларни баҳолаш);
- Аналитик (тахминий) (геодиний тизимларни таҳлил қилиш ва сакрал худудларни ўрганиш;
- Конструктив (диний – географик районлаштириш , сакрал худудлардан фойдаланишни такомиллаштириш;

Сакрал худудларни ўрганиш ва тадқиқ этишда бир қатор фанлар тадқиқот йўналишларида фойдаланиладиган методларни қўллаш ҳам мумкин бўлади. Бундай методлардан бири – индуктив ва дедуктив методлар ҳисобланиб, индуктив – алоҳида сакрал объектларни ўрганиш орқали уларни ҳосил бўлиши ва худудий жойланиши ҳақидаги умумий қонуниятларни аниқлашга, дедуктив- сакрал объектларни умумий жиҳатларини ўрганиш орқали уларга алоҳида тасниф бериш, табақалаштириш ишлари амалга оширилади.

Сакрал ландшафтларни тадқиқ этишда амалий ландшафтшунослика қўлланиладиган табиий – генетик маконни –қиёслаш, таҳлил ва синтез, картографик методлар ҳам яҳши самара бериши мумкин. Тарихий генетик метод сакрал худудларни келиб чиқишининг табиий-тарихий асосларини аниқлаб беради. Бунда маҳаллий этносларнинг табиат билан муносабатлари, турмуш тарзи, урф одатлари, диний қарашлари, эътиқодлари ўрганилади, сакраллашув тенденциялари аниқланади. Картографик метод бир мунча кенг қўлланилиб сакрал объектларни аниқлаш, табақалаштириш, карталаштиришга асосланган. Сакрал ландшафтларни карталаштиришда ўрта ва йирик масштабли карталар тузиш мухимдир. Локал худудий жойланишга эга бўлган сокрал объектларни карталаштиришда уларни функцияларига кўра ажратиб кўрсатиш мақсадга мувофиқдир.

Сакрал объектларни карталаштиришда улардан туризм ва рекреация мақсадларида фойдаланишни асосий мақсад қилиб қўйиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Сакрал ландшафтлардан туризм ва рекреация мақсадларида фойдаланишда сакрал объектларни туристик йўналишларини кўрсатиб бериш, сакрал худудларда туристлар ва зиёратчилар учун ташкил этилган сервис объектларини тасвиirlаш, транспорт йўлларини ўtkазиш ўта муҳимдир.

Сакрал худудларни тадқиқ этишнинг ҳисоблаш методи ўрганилаётган сакрал объектларни статистик иаълумотларни тўплаш ва қайта ишлашга асосланган. Унинг негизида математик моделлар ва формуулалар бўлиб, турли кўрсатгичлар бўйича сакрал объектларни маконий жойланиши ўрганиб чиқилади. бундай методга асосланган тадқиқотлардан бири В.Патайчук [1998] томонидан Россия давлатининг Волинск обlastida амалга оширилган. Унинг тадқиқотларида:

- диний ташкилотлар культ иншоатларнинг таъсири радиуси;
- диний қатламларнинг концентрация даражаси;
- диний жамоа ва культ иншоатларнинг локализация индекси;
- диний жамоаларнинг маконий таъсир кўрсатгичлари;
- диний жамоаларнинг худудий табақаланиши;
- диний географик марказларнинг потенциал майдон кўрсатгичлари ҳисобга олинади.

Диний муассаса ва культ иншоатларнинг ўртача таъсири радиусини ўлчашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$R_s = N \sin$$

Яъни  $R_s$ - диний объектларнинг ўртача таъсир радиуси

S-худуднинг умумий майдони  $\text{km}^2$  да.

N- диний объектлар сони

I- субъект индекси.

Тадқиқотчи томонидан диний жамоаларнинг худудий локаллашув индексини қуйидаги формула бўйича аниqlangan:

$$I_l = H_o / \Gamma_o ,$$

Яъни:  $I_l$  – диний жамоаларнинг локаллашув индекси; %да,

$H_o$  - район аҳолисини вилоятдаги улушки; %да,

$\Gamma_o$  - диний жамоаларнинг областдаги хиссаси; %да,

Диний жамоаларнинг маконий таъсир кўрсатгичи, эса қуйидаги формула билан ҳисоблаган:

$$\Pi_b = N / P_o ,$$

Яъни: П<sub>в</sub> – диний жамоаларни маконий кўрсатгичи,

Н - тадқиқот худудидаги аҳоли пунктлари сони

Р<sub>о</sub> - тадқиқот худудидаги диний ташкилотлар сони.

Сакрал ландшафтлардан бугунги кунда диний туризм ва зиёрат туризмida фойдаланиш меъёрий кўрсатгичларини ишлаб чиқиш ушбу тармоқнинг иқтисодий салоҳиятини ортиришда сакрал обьектларни критерияларини белгилаш, улардан зиёрат ва диний туризмда оптимал фойдаланиш имкониятларини яратади. Т.И.Божук [2008] томонидан тавсия этилган методда сакрал туристик обьектларни баҳолашнинг 1,2 ёки 3 балли баҳолаш шкаласига эга. Ҳар бир сакрал обьект учун максимал баҳолаш кўрсатгичи 69 балга teng, минимал – 23 бални ташкил этади. Тадқиқотни амалга оширишда сакрал обьектларнинг ҳозирги холати, унинг турлари, тарихий – маданий, маънавий, рекрацион – хис қилиш имкониятлари ҳисобга олинади.

Фарғона вилоятининг сакрал ландшафтларини тадқиқ этишда юқорида қайд этилган тадқиқот методларини ўрганиш, тахлил этиш орқали тадқиқот обьектимиз учун мақбул бўлган жиҳатларидан назарий ғоялардан фойдаланишга харакат қилдик.

Фарғона вилоятидаги сакрал худудларни аниқлаш, уларнинг сакраллашуви, сакрал обьектларнинг махаллий этносларнинг дини, маданияти, урф одатларига хос бўлган жиҳатларини аниқлашда табиий- тарихий – генетик худудий географик тамоилларга асосландик. Шунингдек қиёсий баҳолаш, статистик, ландшафт тизимли ёндашув, картографик тадқиқот методларидан фойдаландик.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:**

1. Кагинский В.Л. Советское пространство: ландшафтный и экологический аспект. М: новое литературное обозрение, 2001, 576 с.
2. Рагулина М.В.Культурный ландшафт и сотовчество человека и природы.
3. Воловик В.Н Категория сакрального ландшафта URI: [http://www.geo-vestnik.psu.ru/files/vest\\_438-volovyk.pdf](http://www.geo-vestnik.psu.ru/files/vest_438-volovyk.pdf).
4. Гомбаев Б.Ц.Культовые места Баргузинской долины, Улан-Уде:Изд. Полигр, комплекс, Вост.сиб. академии культуры.
5. Кулешова М.Е.Управление культурными ландшафтами иными объектами Историко-культурного наследия в национальных парках. М: Из-во центра охраны диной природы 105 с.
6. Атаман Л.В.Исследование сакрального пространства региона: методология и принципы. Пековский регионологический журнал №23/2015 с/07-116.
7. Мезенцев К, Когатко Ю. Методы исследования географии религии: целесообразность использования, систематизация, потенциал картографического и центрографического методов. Вестник КГУ, 2009, вып. 56 с-38-39 религи.

8. Патиц чук В.Территориальная организация религиозной сферы административной области (на примере Волынской области) : дис. Кандидата геогр. Наук 11.00.02. Луцк: Волинской ГУ. Имени леш Украинский, 1998, 202 с.

9. Божук Т.И. методические аспекты определения оценки сакральных объектов для нужд туризма //Вестник львовского государственного института новейших технологик и управления имени Вечеслава Чёрновила. Серия «Экономические науки», 2008. Вып.3.С. 260-272

10. Isomiddinovich A. O., Yigitaliyevich X. R. Territorial Structure and Stability of Ecological Framework //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 29. – №. 2. – С. 462-467.

11. Xoliqov R. Y., Dexkanbayeva M. N. Sacral landscapes as objects of religious tourism and recreation //Экономика и социум. – 2019. – №. 10 (65). – С. 467-470.

12. Xolikov, R., & Qo‘chqarov, O. (2021, July). BASIC PRINCIPLES OF URBANEKOLOGICAL TERRITORIAL ORGANIZATION OF URBAN DEVELOPMENT. In Конференции.

13. Холиков, Р., & Кўчқаров, О. (2021). BASIC PRINCIPLES OF URBANEKOLOGICAL TERRITORIAL ORGANIZATION OF URBAN DEVELOPMENT: <https://doi.org/10.47100/conferences.vlil.1326>. In RESEARCH SUPPORT CENTER CONFERENCES (No. 18.06).

14. Xolikov, R., & Qo‘chqarov, O. (2023). SHAHARLAR TUPROQLARINING TEXNOGEN IFOSLANISHI VA UNING EKOLOGIK OQIBATLARI. *Scientific journal of the Fergana State University*, (1), 183-183.

15. Холиков, Р. Й. (2022). ТОФ-ВОДИЙ ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЎЗАРО БОГЛИҚЛИГИ ҚОНУНИЯТЛАРИ. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(14), 410-412.

16.Холиков, Р. Й. (2022). ТОФ-ТЕКИСЛИК ПАРАГЕНЕТИК ЛАНДШАФТЛАРИНИНГ ЧЕГАРАЛАРИ ҲАҚИДА. *O'ZBEKISTONDA FANLARARO INNOVATSIYALAR VA ILMIY TADQIQOTLAR JURNALI*, 2(14), 413-415.